

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТУРЕКЕЕВ ҚУАНЫШБЕК ЖИЕНБЕКОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АНЪАНАВИЙ  
ЭЪТИҚОДЛАРИ ВА ТАСАВВУРЛАРИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Турекеев Қуанышбек Жиенбекович**

Қорақалпоқларнинг ҳозирги кундаги анъанавий эътиқодлари ва тасаввурлари.....3

**Турекеев Қуанышбек Жиенбекович**

Современные традиционные верования и представления каракалпаков .....25

**Turekeev Quanishbek Jiyeubekovich**

Modern traditional beliefs and views of the Karakalpaks.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....53**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12. 2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТУРЕКЕЕВ ҚУАНЫШБЕК ЖИЕНБЕКОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ АНЪАНАВИЙ  
ЭЪТИҚОДЛАРИ ВА ТАСАВВУРЛАРИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Tar373 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ҳамда «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қурбанова Земфира Ибрагимовна**  
тарих фанлари номзоди, к.и.х.

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Улугбек Сейданович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Тлеубергенова Навбахор Абдукаримовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ургенч давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ Давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD03/30.12.2019.Таг.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 11 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус ш., Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361)223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@gmail.ru.)

Диссертация билан Қорақалпоқ Давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (67-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361)223-60-49; Факс: (361) 223-60-49.)

Диссертация автореферати 2022 йил «08» 02 куни тарқатилди.  
(2022 йил «08» 02 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



**Р.Б. Баллиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**Х.М. Отегенов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Б.А. Қошанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тарих  
фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PHD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жамиятда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларида этномаданий ўзига ва диний ўзликни англашни илмий асосда ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Турли этносларнинг этник ва диний ўзига хослиги уларнинг маданияти, кадриятлари ва маросимлари билан чамбарчас ҳолда намаён бўлмоқда. Шу жиҳатдан турли этнослар маданияти ва диний этиқодлари этнологик нуқта назардан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда инсоният маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлган динга нисбатан муносабатга асосланган илмий ёндашувга таяниб, диний этиқодларни этнос мавжудлигининг асосий омилларидан бири қаралмоқда. Қолаверса, диний этиқодий қарашларнинг ўзига хослиги ва маҳаллий этнохудий хусусиятларини яхлит тизим сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон гуманитар фанида миллий маданиятнинг, умуман маданий-маънавий ривожланишнинг тадқиқ этилиши давлатимиз мустақилликка эришиши билан боғлиқдир. Мамлакатимиз мустақил ривожланишининг йиллари давомида давлат сиёсатининг дин соҳасидаги ижобий ўзгаришлар илм-фан соҳасида ҳам туб бурилишларга сабаб бўлди.

Замонавий тадқиқотларда дин кенг тарихий-маданий контекстда кўриб чиқилмоқда. Республикамиз илмий-тадқиқот муассасаларининг долзарб концепциялари асосида айнан шу ёндашув ётади. Қорақалпоқларнинг замонавий диний этиқод ва тасаввурларини ўрганиш Ўзбекистон этнология фанининг олдида турган долзарб илмий масалалари сирасига киради.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги қорақалпоқларнинг замонавий диний этиқод ва тасаввурларини тадқиқ қилишда нафақат Қорақалпоғистон аҳолиси маънавий маданиятининг энг муҳим компонентларидан бирини тиклаш зарурияти билан белгиланиб қолмай, балки Марказий Осиё минтақасининг полиэтник ҳамжамятларида диний тасаввурлар ривожланишига таалуқли бўлган бир қатор назарий муаммоларни ечишдан иборат.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони<sup>1</sup>, 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги<sup>2</sup>, 2018 йил 16 апрелдаги ПҚ-3668-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>3</sup> қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2018. ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.09.2019. ПҚ-4436-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2018. ПҚ-3668-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 612-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида<sup>4</sup> ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қорақалпоқларнинг ҳозирги кундаги анъанавий эътиқодлари ва тасаввурларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида бошлаган. Мазкур даврнинг ишлари асосан таърифий характерга эга бўлиб, уларда қорақалпоқларнинг диний анъаналари тўғрисида тавсифий маълумотлар қайд қилинган.

Совет даврида чоп этилган ишларда ўрганилаётган муаммонинг кўплаб жиҳатлари ёритиб берилган. Лекин улар марксча-ленинча ёндашувга асосланганини қайд этиб ўтиш зарур. Замоनावий тадқиқотчилар Ўзбекистон халқлари анъанавий эътиқод ва урф-одатларининг турли томонларини фаоллик билан ўрганмоқдалар. Бу давр тадқиқотлари қўлланилаётган ёндашувларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Умуман айтганда, ушбу муаммолар бўйича илмий адабиётларнинг таҳлилига кўра, қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқод ва тасаввурлари ҳозиргача махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Айнан шунинг учун қорақалпоқларнинг замоनावий анъанавий эътиқод ва тасаввурларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб илмий аҳамиятга эга. Муаммони ўрганиш даражасининг батафсил таҳлили биринчи бобнинг иккинчи параграфидида келтирилган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар институтининг ФА-Ф8-006 – «Замоनावий Қорақалпоғистонда жамият ва ислом: тарихий-этнологик тадқиқотлар» (2007-2011); ФА-Ф1-Г001-«Қорақалпоғистон жаҳон маданияти контекстида: Қуйи Амударё воҳаси шаҳар ва шаҳар маданияти тарихий истикболида» (2012-2016); ФА-А1-Г004-«Қорақалпоқларнинг тасаввурларидаги аёл образи: этнологик тадқиқот» (2015-2017); ФА-ИЗ-Г002 – «Қорақалпоғистон тарихи» китобини тайёрлаш

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2021. 612-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори /[https://static.norma.uz/documents/doc\\_4/612](https://static.norma.uz/documents/doc_4/612).

ва нашр этиш (1997-2015) илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорақалпоқларнинг ҳозирги кундаги диний эътиқодлари ва тасаввурлари мажмуини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қорақалпоқларнинг ҳозирги диний амалиётилардаги теротеистик қарашларнинг изларини тадқиқ этиш;

қорақалпоқларнинг аждодлар култи ва бошқа олам тўғрисидаги тасаввурларини таснифлаш;

қорақалпоқларнинг ҳозирги урф-одатларидаги магик тасаввурларни фарқловчи хусусиятларини ўрганиш ва ёритиб бериш;

оилавий маросимлар тизимида исломий анъаналарни миллий анъаналар билан уйғунлашувини этнографик материаллар асосида таҳлил қилиш;

қорақалпоқларнинг исломий диний байрамлари ва уларнинг локал хусусиятларини этнографик материаллар асосида аниқлаштириш;

диний эътиқод ва тасаввурларнинг қорақалпоқ халқининг менталитетида тутган ўрни ҳамда уларнинг трансформациясини таҳлил қилиш ҳамда мавзуга оид илмий –назарий хулосалар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қорақалпоқларнинг диний эътиқодлари ва тасаввурлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қорақалпоқларнинг ҳозирги анъанавий эътиқод ва тасаввурларидаги ўзгаришлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, қиёсий ва типологик усулларидадан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқотда махсус этнографик усуллар, жумладан, суҳбат, интервью ва социологик сўровлар қўлланилди. Ўрганилаётган объектларнинг фото, аудио ва видеофиксацияси амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодий қарашлари умумтуркий маданият таъсирида шаклланган бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги урф-одат ва маросимлар(чилла, хосиятли кун (*сәтли кун*), ис чиқариш (*ийис шығарыў*), бешик тўй (*бесик той*), бет очар (*бет ашар*), давра солиш (*дәуир айландырыў*), қирқ, юз кунлик, йил оши каби)да халқ қарашлари асосида қадимий эътиқодлар билан исломий қарашларни ўзаро синкретлашуви учраши аниқланган;

Қорақалпоқларнинг турмуш тарзида номадик маданиятнинг асрлар давомидаги устувор таъсири асосида аждодлар култининг тарқалиш ареали кенгайганлиги ҳамда узоқ давр мобайнида барқарор сақланиб қолганлиги, маданий ворисийлик асосида аждодлардан-авлодларга ўтиб, қадимги эътиқод изларининг ўзига хос консерватив кўринишлари сифатида намоён бўлганлиги очиқ берилган;

Замонавий қорақалпоқларнинг маросимий ҳаётида магик тасаввурлар оиланинг фаровон ҳаёти, узоқ умр, ёш авлоднинг тарбияси, авлодларнинг

давомийлигини таъминлаш, ёшларнинг бахтли ҳаёт кечиришига замин яратиш каби мақсадларга қаратилганлиги, этник стереотиплар ҳамда исломий анъаналар билан уйғунлашуви кўрсатиб берилган;

Исломий анъаналар замонавий қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаётида маънавий-ахлоқий ҳаётнинг маркери сифатида исломий никоҳ (*некеден өтиў*) болага исм бериш (*нәрестеге ат қойыў*), дафн ва таъзия маросимлари ҳамда диний байрамлар қаътий ўрин тутиши этнографик материаллар асосида очиб берилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Қорақалпоқларнинг замонавий маросимларидаги исломгача бўлган ва исломий эътиқодлар ҳамда уларнинг реликтларини акс эттирувчи кенг қамровли дала материаллари таҳлилга тортилди. Ушбу материаллар инсон ҳаётининг энг барқарор ва кўпқиррали жабҳаси, яъни маънавий маданиятини ташкил этувчи исломгача бўлган эътиқодлар ва магик амалларнинг яшовчанлигидан гувоҳлик беради.

Кейинги пайтларда ислом динининг юксалиши, анъанавий урф-одатларга қизиқишнинг кучайиши жараёни кузатилиб, жамоавий ибодатлар, масжидлар қайта тикланишида кўзга ташланмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фактологик манбалар (кўлёмалар, дала ёзувлари)га таянувчи холислик ва тарихийлик каби илмий тамойиллар, структуравий – функционал усулнинг қўлланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек Қорақалпоғистон ҳудудида 2012-2020 йиллар мобайнида тўпланган янги дала этнографик материалларнинг илмий муомалага киритилиши тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сифатида баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот материаллари қорақалпоқларнинг тарихи ва этнографияси бўйича умумлаштирилган илмий асарлар ва ўқув қўлланмаларини яратишда хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари тадқиқотнинг материаллари ва натижаларидан давлат илмий-техник дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг назарий хулосалари республикада этномаданий таълим, диний таълим ва ижтимоий-маданий ривожланиш масалаларини қамраб олувчи миллий-маданий сиёсат асосларини ишлаб чиқишда амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқларнинг замонавий эътиқод ва тасаввурларини ўрганиш жараёнида ишлаб чиқилган таклиф ва хулосалар асосида:

қорақалпоқларнинг фарзанд туғилиши, чақалоққа исм танлаш, чилла даври билан боғлиқ расм-русумлар, боланинг дастлабки қадамлари, соч ва суннат тўйи билан боғлиқ анъанавий ва исломий қадриятлар каби масалаларига оид маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг «Ekspediciya» номли кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон миллий

телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 декабрдаги №02-40-1208 сонли хати). Диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, қорақалпоқ халқи маданияти, анъанавий маросим ва урф-одатларини кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамиятга эга;

ҳозирги кунда қорақалпоқ аёллари турмуш тарзида эътиқодий қарашлар ва диний анъаналарнинг ўрни ҳамда унинг замонавий жиҳатлари бўйича олинган маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2017-2020-йилларда бажарилган ФА-А1-Г004 «Қорақалпоқлар тасаввурида аёл сиймоси: этнологик тадқиқот» мавзусидаги амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 02 июлдаги № 153/1 сонли хати). Мазкур илмий иш натижаларининг қўлланилиши аёллар иштирокида ўтказилувчи удумлар ва уларнинг исломгача бўлган эътиқодлар билан боғлиқ анъана ва маросимларни ёритишда илмий асос вазифасини бажарган;

диссертацияда келтирилган қадимги диний эътиқодларнинг реликтлари тўғрисидаги маълумотлардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида мавзувий кўرғазмалар ва экскурсион лекцияларни тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг 2021 йил 03 ноябрдаги № 420 сонли хати). Хусусан, қорақалпоқларнинг анъанавий диний қарашларига оид тадқиқот натижалари келажак авлод учун маданий меросни сақлаб қолиш ва миллий кадриятларни тарғиб қилиш ишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та нашр қилинган ишларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (6 таси республика ва 2 та хорижий журналлар) мақола чоп этилган. Шунингдек 9 таси илмий, илмий-оммабоп мақолалар ва тезислар кўринишида халқаро ва республика илмий анжуманларининг тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти

тавсифланган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Муаммонинг услубий ёндашувлари ва илмий тадқиқот усуллари**» деб номланиб, унда жаҳон фанида анъанавий эътиқод ва тасаввурларни ўрганишда шаклланган илмий ёндашувлар ва муаммонинг тарихшунослиги кўриб чиқилган.

«*Анъанавий эътиқодларни ўрганишининг услубий асоси*» номли параграфда қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқод ва қарашлари билан боғлиқ назарий асослари ва терминологик таҳлили берилган. Шунингдек, қорақалпоқларнинг диний ҳаётида исломдининг тутғна ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Қадимги диний эътиқодлар тушунчаси исломни қабул қилишдан олдин халқ орасида мавжуд бўлган диний анъаналарга нисбатан қўлланилади. Р.М.Мустафинанинг таърифига кўра, «маиший ислом» ислом дини томонидан мусулмонликкача бўлган анъаналарнинг идрок этилиши бўлибгина қолмай, бу ўзининг тўла ҳажмидаги диний ҳаётдир<sup>5</sup>. Ўрта Осиёнинг ислом динини ўрганган тадқиқотчиларда «халқона ислом» тўғрисидаги ўз тушунчаси қарор топган.

Қадимий диний эътиқодларни таҳлил этишда анимизм, зоолатрия (теротеизм, тотемизм), магия ва бошқа «мусулмонликкача бўлган» диний тасаввур ва культлар каби атамалар қўлланилмоқда.

Қорақалпоқларнинг ҳозирги кундаги анъанавий эътиқод ва тасаввурларини ўрганишда *қиёсий усул* қўлланилган. Ушбу усул ёрдамида қорақалпоқлар ва уларга қон-қардош бўлган ўзбек, туркман, қозоқ халқларидаги анъанавий эътиқод ва тасаввурларида умумийлик ва ўзига хослик аниқланиб, уларнинг хусусиятларини очиқ беришга имкон яратилди.

Қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқод ва тасаввурлари диссертант томонидан *тизимли ёндашув* асосида кўриб чиқилган. Бу усул уларнинг мураккаб кўп даражали тизимини намоён этиб, ўрганилаётган яхлит тузилмада ҳар бир тизимнинг ўрни ва ролини аниқлашга ёрдам беради.

Функционал ёндашув ҳамда У.Л.Уорнернинг рамзийлик концепциясидан фойдаланиш маданиятни учта қуйи тизимга бўлинувчи тотал рамзий тизим сифатида кўриб чиқишга имкон берди: технологик (табiiй муҳит билан ўзаро муносабатлар, яъни меҳнат қуроллари, экология ва ҳ.к.), ахлоқий (жамиятнинг ижтимоий тузилиши) ва сакрал (диндорларнинг ўз худолари билан ўзаро муносабатлари; табiiй олам ва ғайритабiiй олам)<sup>6</sup>. Диний феноменларни У.Л.Уорнер қуйидаги туркумларга ажратган: 1. эътиқодлар, 2. маросимлар. Айнан шунинг учун сакрал тасаввурлар деганда кўпинча фольклор (миф, эпос, эртак ва ҳ.к.)да ифода этилган вербал ва ҳаёлий рамзлар тизими назарда тутилади. Маросимлар эса

<sup>5</sup> Мустафина Р.М. Представления, культы, обряды у казахов (В контексте бытового ислама в Южном Казахстане конца XIX- XX вв.). – Алма-Ата: 1992. – С. 6.

<sup>6</sup> Уорнер У.Л. Живые и мертвые. – М.-СПб.: Университетская книга, 2000. – С. 635.

ўзаро боғлиқ бўлган сўзлар, амаллар ва моддий рамзлардан ташкил топган рамзий тизимлардир. Бу икки туркум диндорлар билан уларнинг худолари ўртасида боғловчи функциясини бажаради<sup>7</sup>. Бундай тизимли – функционал ёндашув тадқиқотда қўлланилган асосий усуллардан биридир.

Мазкур усуллардан ташқари тадқиқотнинг услубий ва назарий асосини Ю.В.Бромлей<sup>8</sup>, В.А.Тишков<sup>9</sup>, К.Ш.Шониёзов<sup>10</sup> ва бошқа олимларнинг ишлари ташкил қилган.

Қайд этилган усуллар нуктаи назаридан мавжуд материалларнинг талқин қилиниши, махсус этнографик усуллардан кенг фойдаланиш тадқиқот мақсади ва вазифаларини бажаришда ишончли негизни шакллантиришга имкон берди.

**«Мамлакатимиз ва хоризжий тарихишунослигида мазкур муаммо бўйича манбаларнинг тарихишунослик шарҳи»** деб номланган иккинчи параграфда мавжуд адабиётларнинг таҳлили берилган. Қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқод ва тасаввурлари бўйича адабиётлар мажмуи қуйидаги даврларга ажратилган: 1) XVIII – XX асрнинг боши (Бунда қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодлари ва тасаввурлари тўғрисида тасодифий маълумотлар келтирилган манбалар, яъни сайёҳлар, турли миссия ва экспедициялар вакилларининг асарлари, ҳисоботлари, кундаликлари ўрганилган); 2) Совет даврининг 1920-1980 йилларини қамраб олган илмий-тадқиқот адабиётлари; 3) мустақиллик даври адабиёти.

Қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодлари ва тасаввурлари тўғрисида маълумотлар келтирилган дастлабки асарлар қаторида Д.Гладишев ва И.Муравин<sup>11</sup>, П.Рычков<sup>12</sup>, А.В.Каульбарс<sup>13</sup>, А.Вамбери<sup>14</sup> каби муаллифларнинг асарларини айтиб ўтиш лозим.

Қорақалпоқларнинг XIX асрдаги диний ҳаёти тўғрисида қисқа, лекин ниҳоятда қимматли маълумотлар қорақалпоқ мумтоз адабиётининг намояндalари Бердах ва Ажиниёзнинг асарларида тилга олинган<sup>15</sup>.

Мазкур даврнинг адабиётларида қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодлари ҳақидаги маълумотлар аҳён-аҳёнда учрайди, чунки бу даврда минтақа аҳолисининг ҳаёти тизимли равишда ҳали ўрганилмаган эди. Лекин

<sup>7</sup> Уорнер У.Л. Живые и мертвые... – С. 588.

<sup>8</sup> Бромлей Ю.В. Современные проблемы этнографии: очерки теории и истории. – М., 1981.

<sup>9</sup> Тишков В.А. Этническое и религиозное многообразие – основа стабильности и развития российского общества: статьи и интервью. – М., 2008; Тишков В.А. Национальная идентичность и духовно-культурные ценности российского народа. – СПб.: 2010.

<sup>10</sup> Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. – Т.: Фан, 1974.

<sup>11</sup> Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 годах Гладышевым и Муравиным / изд. с приобщением соврем. карты Миллерова пути от Орска до Зюнгор. владений и обратно, Я.В.Ханыковым, д. чл. Имп. Рус. геогр. об-ва; авт. предисл. Я. Ханыков. – СПб., 1851. – [2], 85 с., 2 л. карт.

<sup>12</sup> Рычков П. История Оренбургская журн. Соч. и переводы, 1759 г., август; Рычков П. Топография Оренбургской губернии, журн. Соч. и переводы, 1762 г., март.

<sup>13</sup> Каульбарс А.В. Древнейшие русла Аму-Дарьи / Записки императорского русского географического общества. Т.17. – СПб., 1887. - № 4. – 623 с.

<sup>14</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии (Рассказы о странах Востока). – М.: Восточная литература, 2003. – 320 с.

<sup>15</sup> Эжинияз. – Некис: Илим, 2014. – Б. 19, 79, 91, 149, 206; Бердах. Сайланды шығармалары. – Некис: Қарақалпақстан, 1997. – Б. 139, 155, 192.

Ўзининг фрагментар характерига қарамасдан, ушбу маълумотлар тадқиқотчилар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодлари ва тасаввурлари тарихшунослигидаги иккинчи давр қорақалпоқларга хос этник менталлигини урф-одат, эътиқод, ижтимоий тузилманинг шакллари орқали ўрганишга асосланган. Мазкур давр тадқиқотчиларининг ишлари қорақалпоқ халқи ҳаётининг барча жабҳаларига тегишли материалларни ўз ичига олган. Ушбу гуруҳ доирасидаги энг қимматли асар М.С.Андреевнинг Ўрта Осиё халқлари маданиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотидир<sup>16</sup>.

Аждодлар руҳларига сиғиниш билан боғлиқ тасаввурлар С.П.Толстов, О.А.Сухарева, А.К.Писарчик, В.А. Чистяков<sup>17</sup> каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган. Одамнинг ўлиmidан сўнг руҳига ишонч масаласи Марказий Осиё олимлари, хусусан Т.Баялиева томонидан ўрганиб чиқилган<sup>18</sup>.

Хоразм воҳаси ўзбекларининг анъанавий эътиқодлари Г.П.Снесарев тадқиқотларининг объекти бўлган. Узоқ йиллар давомида муаллиф томонидан тўпланган маълумотлар ушбу асарни қимматли манбага айлантирган. Унда аҳолининг маиший турмуши, урф-одатлари, диний эътиқодларининг генезиси ўрганилган<sup>19</sup>.

Қорақалпоқ тадқиқотчилари орасидан биринчи бўлиб У.Кусекеев анъанавий эътиқод ва тасаввурлар масаласида изланишлар олиб борган<sup>20</sup>.

Қорақалпоқларнинг анъанавий маиший турмуши билан боғлиқ кенг кўламли тадқиқотлар 1945 йилда СССР ФА Хоразм археологик – этнографик экспедицияси таркибида Қорақалпоқ этнографик отрядининг ташкил топиши билан бошланиб кетди. Экспедицияда иштирок этган С.П.Толстов<sup>21</sup>, Т.А.Жданко<sup>22</sup>, Б.В.Андрианов<sup>23</sup>, С.К.Камалов<sup>24</sup>, Р.Косбергенов<sup>25</sup> ва бошқа

<sup>16</sup> Андреев М.С. Чильтаны в среднеазиатских верованиях // В.В.Бартольд. – Т., 1927. – С. 334-348; Ўша муаллиф. Таджики долины Хуф. Вып 1. – Сталинабад: 1953. – 251 с.

<sup>17</sup> Толстов С.П. Религия народов Средней Азии // Религиозные верования народов СССР. – М.–Л.: Московский рабочий, 1931. – С. 268-276, 333-335; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: АН УзССР, 1960. – С. 31; Писарчик А.К. Смерть. Похороны // Таджики Каратегина и Дарваза. - вып. 3. – Душанбе: Дониш, 1976. – С. 121-122; Чистяков В.А. Представления о дороге в загробный мир в русских похоронных причитаниях XIX-XX вв. // Обряды и обрядовый фольклор. – М.: Наука, 1982. – С. 114-126.

<sup>18</sup> Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. – Фрунзе: Илим, 1972. – С. 58-61.

<sup>19</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.

<sup>20</sup> Кусекеев У. Этнография ККАССР. – Нукус, 1934 // Рукописный фонд фундаментальной библиотеки Каракалпакского отделения АН РУз. Инв. №932. – С. 43-49, 53-69, 84-135.

<sup>21</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: Полиграфкнига, 1948. – 352 с; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.–Л.: АН СССР, 1948. – 337 с.

<sup>22</sup> Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.–Л., 1950; Ўша муаллиф. О типе этнических общностей с пережитками родо-племенной структуры в Средней Азии и Казахстане. – М.: Наука, 1973.

<sup>23</sup> Андрианов Б.А. Этническая территория каракалпаков в северном Хорезме. XVIII-XIX в.в. / Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.III. – М., 1958..

<sup>24</sup> Камалов С.К. Пережитки ислама и традиции старого быта у каракалпаков // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. Сталинабад, 1956. – М.–Л., 1959. – С. 122-127; Ўша муаллиф. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. – Т.: Фан, 1968. – 328 с.

<sup>25</sup> Косбергенов Р. Положение каракалпакского населения в Хивинском ханстве в конце XIX – начале XX века / Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.III. – М., 1958.

олимлар қорақалпоқларнинг маданияти ва маиший ҳаётига бағишланган бир қатор илмий ишларни эълон қилган.

Этнограф олим Х.Есбергеновнинг ишларида қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодлари ва тасаввурлари бир неча бор ёритилган<sup>26</sup>. Рухларнинг мавжудлиги, одамнинг ўлиmidан кейинги ҳаётига ишонч ҳамда у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар масалаларига бағишланган Х.Есбергеновнинг тадқиқоти XX аср ўрталарида тўпланган дала материалларига асосланиб ёзилган эди.

Ушбу даврда дин муаммоси, хусусан ислом дини бир қатор ғарбий тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлганини таъкидлаб ўтиш керак. Улардан бири А.Беннигсен ва Э.Уимбушнинг совет даври мусулмонларига бағишланган ва кенг танилган асаридир<sup>27</sup>. Динга қарши адабиётларнинг таҳлили асосида бажарилган бу иш кўриб чиқиладиган муаммо доирасини анча торайтиради.

Марказий Осиёдаги ислом динининг энг йирик тадқиқотчиларидан бири ҳисобланган профессор Дэвин Дэвизнинг асари алоҳида эътиборга лойиқ<sup>28</sup>.

Умуман олганда, мазкур давр адабиёти мамлакатда олиб бориладиган атеистик сиёсатнинг таъсирида яратилган бўлиб, унинг аксарият қисмида исломгача бўлган эътиқод ва маросимлар ёритилган. Қорақалпоқларнинг анъанавий эътиқодлари ва исломий маросимлари етарли даражада ўрганилмай қолиб, ушбу масалага бағишланган айрим ишлар муаммони тўлиқ очиб бермайди.

Мавзу тарихшунослигининг учинчи даври замонавий тадқиқотчилар томонидан қорақалпоқларнинг диний эътиқод ва маросимларига хос турли жиҳатларни фаол ўрганиш билан характерланади.

Ўрганиладиган муаммонинг айрим жиҳатлари И.М.Садгян, Р.Баллиева М.А.Карлибаев, Н.А.Тлеубергенова, З.И.Курбанованинг ишларида<sup>29</sup> ўз аксини топган. Р.С.Камалова ва С.Х.Есбергеноваларнинг илмий изланишларида<sup>30</sup> қорақалпоқларнинг оилавий маросимлари, ҳайвонларни эъзозлаш билан боғлиқ анъанавий тасаввурлар алоҳида ўрганилиб чиқилган.

<sup>26</sup> Есбергенов Х. Қарақалпақлардың гейпара дәстүрлери ҳаққында. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1964. – Б. 22-89; Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразования в городском быту каракалпаков. – Нукус: Каракалпақстан, 1975. – С. 166-205.

<sup>27</sup> Alexandre Bennigsen, Enders Wimbush. Muslims of the Soviet Empire. A Guide. – London & Bloomington, Ind., 1986.

<sup>28</sup> Devin Dewese. Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tukles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition. University Park: Pennsylvania State University Press, 1994.

<sup>29</sup> Садгян И.М. Воспитание детей в городской семье каракалпаков: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1993. – 29 с.; Баллиева Р. Этнокультурные особенности природопользования народов Приаралья (в конце XIX-начале XX века). – М.: Компания Спутник, 2003; Карлыбаев М.А. Роль зияратов в повседневной жизни каракалпаков // Мир ислама: Материалы международной исламоведческой научной конференции. – М., 2007. – С. 126; Тлеубергенова Н.А. Традиционное жилище каракалпаков XIX – начало XX вв.: Дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1996. – 168 с.; Курбанова З.И. Каракалпақский костюм: традиции и новации. – Нукус: Илим, 2021; Ўша муаллиф: Традиционные верования и представления каракалпаков, связанные с одеждой и украшениями // Вестник антропологии. – М., 2016. – №3. – С. 63-72.

<sup>30</sup> Камалова Р.С. Традиционные верования в семейно-бытовой обрядности каракалпаков: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1996. – 24 с.; Есбергенова С.Х. Почитание животных в культовой практике каракалпаков (конец XIX – середина XX вв.): Дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2001. – 155 с.

Ўзбекистон тарихшунослигида аждодларни эъзозлаш ва дафн масалаларида К.Насриддинов ва М.М.Пайзиева каби олимлар тадқиқот ишларини олиб борган<sup>31</sup>.

Ўзбек олими А.Ашировнинг диний эътиқод ва тасаввурларга бағишланган монографиялари<sup>32</sup> қорақалпоқларнинг анъанавий тасаввурларини қиёсий таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Д.Файзиева, А.Азизов каби ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг бир қатор ишлари ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурларга бағишланган<sup>33</sup>.

Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қорақалпоқларини ўрганиш масаласида изланишлар олиб борилди. Айниқса, У.Абдуллаев ва Р.Атахановлар томонидан қорақалпоқларнинг миграцион жараёнлари, хўжалик турлари, моддий маданияти, шунингдек, оилавий маросимлари ўрганиб чиқилган<sup>34</sup>.

Юқорида зикр этилган давр ғарбий олимларнинг дин муаммосига бағишланган бир қатор ишларида ўз аксини топган. Ўзбекларнинг XIV асрдан бошлаб янги давргача бўлган маданияти ва динининг ривожланиши муаммоси америкалик тадқиқотчи Эдвард Оллворт томонидан кўриб чиқилган<sup>35</sup>.

Марказий Осиёдаги ислом дини масаласини ўрганишга Яков Рой ҳам ўз ҳиссасини қўшган<sup>36</sup>. Унинг тадқиқоти асосини архив манбалар ташкил қилган. Тадқиқотга жалб қилинган салмоқли манбавий асосга қарамасдан, ишнинг камчилиги – совет таҳлилий маълумотларга танқидий ёндашувнинг йўқлигидир.

Америкалик тадқиқотчи Эрен Ташар ўз асарида Совет Иттифоқидаги диний сиёсатга “курашувчан атеизм” нуқтаи назаридан берилган баҳоларни қайта кўриб чиқишни таклиф этмоқда<sup>37</sup>. Муаллифнинг фикрига кўра, совет давлатидаги диннинг ўрни ва роли тўғрисидаги қарашларни қайта кўриб чиқиш Марказий Осиёдаги ислом динини чуқурроқ англашга имкон беради.

Умуман айтганда, XX асрда чоп этилган ишларнинг тарихшунослик таҳлили уларда трансформацион жараёнлар акс этмаганини кўрсатиб бермоқда. Ҳайвонлар культининг реликтларига алоқадор оилавий маросим, тасаввур ва эътиқодлар юзасидан тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ушбу муаммо етарлича ўрганилмай қолган.

<sup>31</sup>Насриддинов К. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: Мерос, 1996; Пайзиева М.Х. Ўзбекларнинг анъанавий ва замонавий мотам маросимлари (Тошкент шаҳри мисолида). – Т.: Yangi nashr, 2014.

<sup>32</sup> Аширов А.А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Т.: Мерос, 2001; Ўша муаллиф: Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007; Ўша муаллиф: Ўзбек маданиятида сув. – Т.: Akademnashr, 2020.

<sup>33</sup> Файзиева Д. Ўзбек фольклорида илон образи. – Т.: Фан, 2010; Азизов А. Ўзбек халқи дунёқарашида ҳайвон култига доир мулоҳазалар // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Илмий тўплам. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2017. – Б. 256-261.

<sup>34</sup> Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Атаханов Р.С. Фарғона водийси қорақалпоқларида анъанавий ва замонавий этноинтеграцион жараёнлар: Тар. фан. д-ри (PhD) ... дис. автореф. – Термиз, 2021. – Б. 19-21.

<sup>35</sup> Allworth E. The modern Uzbeks: from the fourteenth century to the present: a cultural history. – Stanford, 1990.

<sup>36</sup> Roi Y. Islam in the Soviet Union from World War II to Gorbachev. – London-New York, 2000.

<sup>37</sup> Tasar Eren. Soviet and Muslim: The Institutionalization of Islam in Central Asia. 1943-1991. – Oxford, 2017.

**«Замонавий қорақалпоқ жамиятида қадимги диний эътиқодлар ва анъаналарнинг ўрни»** деб номланган иккинчи боб учта параграфдан иборат. **«Қорақалпоқларнинг ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввур ва эътиқодлари»** масаласига бағишланган биринчи параграфда қорақалпоқларнинг урф-одат ва диний амалиётида ҳайвонларга сиғинишнинг излари ёритилган.

*Илон култи* қорақалпоқларнинг зоолатриясида муҳим ўрин эгаллайди. Бошқа туркий халқларда бўлгани каби қорақалпоқларда ҳам илон муқаддас ҳайвон ҳисобланади. У.Кусекеевнинг қўлёзмасидаги материалларда «Илонлар икки турда бўлади: қора чипор илон ва оқ илон. Қора чипор илон заҳарли бўлиб, иккинчиси беэндир»<sup>38</sup> каби маълумот қайд этилган.

*Бўри култи*. Қорақалпоқларнинг анъанавий маданиятида бу ҳайвонга топиниш излари бир қатор анъана ва удумларда сақланиб келмоқда. Қонқардош халқларда бўлгани каби, қорақалпоқларда чақалоқни тўсатдан рўй берадиган ўлим ва турли касалликлардан асраб қолиш учун қатор маросимлар амалга оширилиб, уларнинг асосини турли ҳайвонлар, жумладан бўрига сиғиниш излари ташкил қилади.

*Оққуш култи*. Қорақалпоқларда ушбу қушга дахлдор тасаввурлар асосан қишлоқ аҳолисида сақланиб қолган. Бундай қарашларга кўра, оққушни ўлдириш мумкин эмас. Буни билиб туриб, бирор ким оққушни ўлдирса, зиён қўриши ва ҳаттоки ҳалок бўлиши мумкин эмиш. Чимбой тумани аҳолисининг тасаввурича, «оққушни отиб ўлдирган одам зиён қўриши ёки руҳий касалликка (*жын урыўы*) чалиниши мумкин»<sup>39</sup>.

*Қора қуш (бургут)*. Қорақалпоқларнинг XX асрдаги анъанавий тиббиётида бепуштлиқни даволашда қора қуш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган. Қуръон тиловатдан сўнг қора қуш тулуми хонанинг шифтига кўтариб қўйилган<sup>40</sup>. Ушбу маросим ҳозирги кунда ҳам бажарилади. Лекин қора қуш кам учрагани сабабли унинг ўрнига қарға ёки қора товукнинг тулумидан фойдаланадиган бўлишган.

*От култи*. Туркий халқлардаги замонавий маросимларнинг кўп қисмида от бугунда ҳам салмоқли ўрин эгалламоқда. Биринчи навбатда бу нарса оила доирасидаги маросимий амалиёт (боланинг туғилиши, дафн)га тегишли. Масалан, «*бесик той*» ўтказилаётганда болани илк бор бешикка белашда аёллар томонидан «*бесик шабыў*» маросимининг ўтказилиши, шунингдек, дафн маросимлари тобутнинг «*ағаш ат*» (ёғоч от) деб номланиши унинг культ ҳайвон бўлганлигини исботлайди.

*Кўй култи*. Қорақалпоқларда кўйга сиғиниш билан боғлиқ кўплаб тасаввурлар мавжуд. Никоҳ тўйи вақтидаги «*бет ашар*» (юзни очиш)

<sup>38</sup> Кусекеев У. Этнография Каракалпакской АССР. – Рукопись 1934 г. // Рукописный фонд Каракалпакского Отделения Академии Наук РУ. Инв. № 932. – С. 68.

<sup>39</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Май жап МФЙ. 2013 й.

<sup>40</sup> Кусекеев У. Этнография Каракалпакской АССР. Рукопись 1934 г. // Рукописный фонд Каракалпакского Отделения Академии Наук РУ. Инв. № 932, – С. 65; Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. – Нукус: Каракалпакстан, 1975. – С. 116.

маросимида келин кўйдай ювош бўлсин деган ниятда унинг оёғи остига кўй териси тўшалари<sup>41</sup>.

*Ит култи.* Ит билан боғлиқ эътиқодий қарашлар изларини қорақалпоқларда боланинг чақалоқлик даври билан боғлиқ анъаналарда кузатиш мумкин. Чилла даврида ўтказиладиган маросимда боланинг илк кўйлагини итнинг бўйнига боғлаш амали бажарилади. Бунинг учун энг тез югурадиган итни танлашади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам боланинг илк кўйлагини қорақалпоқларда «*ийт кўйлек*» (ит кўйлак) деб аташади<sup>42</sup>. Болани ёвуз руҳлар ва турли офатлардан ҳимоя қилиш ниятида, яъни уларни итга узатиш учун илк кўйлакни итга кийгизишади<sup>43</sup>.

**«Ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар ва аجدодларга топиниш»** деб номланган иккинчи параграфда қорақалпоқларнинг анимистик қарашлари таҳлил қилинган. Анимистик тасаввурларнинг асосини руҳларнинг мавжудлигига ишонч ташкил қилиб, улар уч туркумга бўлинади: ёвуз руҳлар; ҳимояловчи ва асровчи эгзу руҳлар; аждодлар руҳлари. Аждодлар руҳларига сиғиниш анъанаси ниҳоятда яшовчан бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Бу анъана одамнинг ўлимидан сўнг ҳам унинг руҳи яшаб қолиб, тирикларнинг ҳаётига таъсир кўрсатиш қобилиятига эга эмиш каби тасаввурга асосланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу қараш ибтидоий патриархал – уруғдошлик муносабатлар замирида пайдо бўлиб, жаҳон динларининг таъсирига қарамай, бизнинг давримизгача етиб келган<sup>44</sup>. Қорақалпоқлардаги аждодлар руҳларига муносабатни бирмунча зиддиятли десак адашмаймиз. Бунда уларга ҳурмат билан бир вақтда хавотир ва кўрқув ҳислари намоён бўлади.

Туркий халқларда жон (руҳ) турли кўринишларда тасаввур қилинади. В.В.Бартольднинг қайд этишича, «... халқ тасаввурларига кўра, марҳумнинг жони қуш ёки ҳашаротга айланади». Машҳур этнограф О.А.Сухарева эса руҳ капалак ёки пашшанинг шаклини олиши ҳақида ёзган<sup>45</sup>. Хоразм ўзбекларининг тасаввур ва эътиқодларини батафсил ўрганган Г.П.Снесарев «ўлаётган одамнинг танасини жон қуш (одатда каптар) ёки парвона кўринишида тарк этади» деб қайд этган<sup>46</sup>. Қорақалпоқларда энг кўп тарқалган қарашга кўра, марҳумнинг жони пашшага (*шыбын жан*) ўхшатилади<sup>47</sup>.

<sup>41</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани Ақ жап. МФЙ. 2014 й.

<sup>42</sup> Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX – начало XX в). – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С. 75; Кармышева Б.Х. Каратегинские киргизы. – М.: Наука, 2009. – С. 155; Есбергенов Х., Атамуратов Т. Традиции и их преобразование в городском быту каракалпаков. – Нукус: 1975. – С. 149.

<sup>43</sup> Абрамзон С.М. Рождение и детство киргизского ребенка. Т. 12. // СМАЭ. – М.; Л., 1949. – С. 101; Чвырь Л.А. Опыт анализа одного современного обряда // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. – М., Наука, 1983. – С. 126; Толеубаев А.Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX – начало XX в). – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С. 93.

<sup>44</sup> Токарев С.А. Ранние формы религии (Библиотека атеистической литературы). – М.: Политиздат, 1990. – С. 255.

<sup>45</sup> Бартольд В.В. Сочинения. – М.: Издательство восточной литературы, 1968. Т. 5. – С. 30; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: АН УзССР, 1960. – С. 31.

<sup>46</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков... – С. 114.

<sup>47</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани Ғузур маҳалласи. 2018 й.

Бошқа халқларда бўлгани каби, қорақалпоқларда ҳам рухларнинг ёғ ҳиди билан тўйиниши тўғрисида тасаввур мавжуд. Бу одат юзасидан Г.П.Снесарев шундай ёзган: «Бунга биз муҳим аниқлик киритишимиз лозим: рухларнинг озуқаси бўғирсоқнинг ўзи эмас, балки маросимий пишириқдан таралган *ис* ҳисобланади. Шунга мувофиқ, рухларни озиклантириш маросими «*ис чиқариш*» деб аталади»<sup>48</sup>. Ушбу кун аждодлар рухларини хотирлашга бағишланган кун бўлиб, қорақалпоқларда «*ийис кун*», туркманларда «*ыс кун*», ўзбекларда эса «*ис*» дейилган<sup>49</sup>.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида «**Қорақалпоқларнинг ҳаётий цикл маросимларида магик тасаввурлар**» ёритилган. Магик тасаввурлар қорақалпоқларнинг маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бунда бир қатор магик маросим ва маросимий амаллар ўз консервативлиги билан ажралиб туради. Ушбу амалиёт бола ҳаётининг илк йиллари, никоҳ тўйи, дафн ва таъзия билан боғлиқ анъанавий урф-одатларни ўз ичига олади.

Болалик даврига оид магик маросимларнинг аксарияти ҳомила йўлдоши ва гўдакнинг киндиги билан боғлиқ бўлиб, уларни бегона кўзлардан пухта яширганлар.

Қорақалпоқ халқининг анъанавий эътиқодларига кўра, чақалоқнинг киндиги ҳимояловчи кучга эга бўлиб, ёвуз рухлардан асрайди. Аёллар ҳеч қачон фарзандларининг киндигини бировнинг қўли етадиган жойда қолдирмайдилар. Йўлдош кўмиб қўйилган жой ҳам сир тутилади.

Исм бериш маросими ҳам кўплаб тасаввур ва эътиқодлар билан тўйинган. Оилада фақат қизлар туғилса, кейинги фарзанд ўғил бўлишига умид боғлаб, қизга *Улбосын, Улбийке, Улбоған, Улзада, Улдаулет, Улмекен, Улперий* («ўғил бўлсин!») каби исмларни қўйишган. Баъзан бундай оилаларда ўғил кўриш ниятида янги туғилган қиз фарзандга эркакча исм қўйилиб, ўғил боланинг кийими кийгизилар эди<sup>50</sup>. Бола ўлик туғилганда, кейингисини ҳар қандай бало-қазодан асраб қолиш ниятида фарзандга *Турсын, Турсынбийке, Турсынай, Турсынбай, Турды, Турдыбай* (айнан «яшасин») деб исм беришган.

Қорақалпоқлардаги анъанавий никоҳ тўйи маросимлари кўплаб босқичлардан иборат. Нон билан боғлиқ тасаввурлар никоҳ тўйи маросимларида маълум ўрин эгаллайди. Тўйни ўтказишдан олдин икки тараф вакиллари ўзаро келишиб, «*нан сындырыў*» (нон синдириш) маросимини амалга оширади. Бунда бутун нондан бўлак синдирилади. Ушбу удумнинг мақсади янги қариндошлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда келин ва куёвга бахтли, мазмунли ҳаёт тилашдан иборат<sup>51</sup>. Нон билан боғлиқ удумлар

<sup>48</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков ... – С. 118.

<sup>49</sup> Бердыев М. Традиционная похоронно-поминальная трапеза туркмен // Проблемы истории и этнографии советских и зарубежных туркмен. – Ашхабад: Ёльым, 1990. – С. 200; Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 205.

<sup>50</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Шега қишлоғи. 2019 й.

<sup>51</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани Обод МФЙ. 2016 й.

нафақат қорақалпоқларда, балки Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам учрайди<sup>52</sup>.

Дафн этиш ва мотам маросимлари қорақалпоқларнинг оилавий урф-одатларида алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг асосини ташкил қилувчи исломий маросимий амалиётда кўплаб мусулмонликкача бўлган унсурлар мавжуд. Нариги дунёдаги ҳаёт, марҳумларнинг тирикларга келтириши мумкин бўлган зиён тўғрисидаги магик қарашлар мазкур амалиётда салмоқли ўрин тутади. Уларнинг орасида бахтсизликларнинг, айниқса ўлимнинг олдини олиш билан боғлиқ қарашлар ниҳоятда кўп.

Марҳум ювилгандан кейин қолган сув тўкилган жой магик аҳамиятга эга. Марҳум дин пешвоси ёки барчанинг ҳурматини қозонган шахс бўлса, бу жой кейинчалик зиёратгоҳга айланади. Турли касалликларга дучор бўлган одамлар, жумладан болалар, бефарзанд аёллар ушбу жойни зиёрат этишади<sup>53</sup>. Зиёратчилар ўзлари билан ёғда пиширилган нон – «ийис» олиб келиб, Қуръон тиловат қилишади ва ушбу жой атрофини уч карра айланиб чиқишади<sup>54</sup>.

Мазкур бобга яқун ясаб, диссертант қорақалпоқларнинг замонавий маросимий амалиётида ҳайвонларга сиғиниш билан боғлиқ эътиқодларнинг реликтлари сақланиб келаётгани тўғрисида хулоса қилади. Ушбу тасаввурлар трансформацияга учраса-да, аҳолининг маросимий ҳаётида ҳалигача салмоқли ўрин эгаллайди. Аждодлар руҳларини эъзозлаш билан боғлиқ тасаввурлар қорақалпоқларда бугунги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Марҳумларни ёд этиш, уларга атаб маросимий амаллар бажариш турли хил тасаввурларга тўйинган. Ёғда нон пишириш, етгита нонни тарқатиш, руҳларга атаб маросимий таом тайёрлаш, қабрларни зиёрат этиш, уларнинг шарафига Қуръон тиловат қилиш (*қуран шықна*), марҳумларни хотирлаш ва бошқа урф-одат ҳамда маросимлар қорақалпоқ халқининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Магик тасаввурлар ҳаётий цикл билан боғлиқ маросимлар, яъни боланинг туғилиши, никоҳ тўйи, дафн билан боғлиқ урф-одатларда ниҳоятда кўп учрайди. Магик амаллар аниқ мақсадга эришишга йўналтирилгани аниқланиб, бола туғилганда унинг саломатлиги ва фаровон турмушини таъминлаш, никоҳ тўйи маросимларида-ёшларнинг бахтли ҳаёт кечирини кўзда тутиш, дафн маросимларида марҳумларга нисбатан ҳурмат – эҳтиромни ифода этиш (*теребирк, жыртыс, пул ва кийимларни тарқатиш*) каби ниятларда бажарилаётгани аён бўлди.

**«Қорақалпоқларнинг ҳозирги кундаги ижтимоий ҳаётида исломий анъаналар»** деб номланган учинчи боб иккита параграфдан иборат. Биринчи параграфда **«Қорақалпоқларнинг оилавий маросимларида исломий анъаналар»** таҳлил қилинган.

<sup>52</sup> Кисляков Н.А. Семья и брак у таджиков. – М-Л.: Наука, 1959. – С. 123; Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Т.: Фан, 1964. – С. 139; Лобачева Н.П. Хивинская свадьба // Этнография Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1985. – С. 117.

<sup>53</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани Қораўзак МФЙ. 2017 й.

<sup>54</sup> Дала ёзувлари. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Таза жол МФЙ. 2013 й.

Фикримизга кўра, XX асрда, айниқса атеистик мафкура авжига чиққан даврда исломий маросим ва анъаналар трансформацияга учради. Лекин атеизмнинг узоқ вақт давом этган ҳукмронлиги, таъқиқ ва қувғинларга қарамай, қорақалпоқлар ўз диний анъаналарини сақлаб қолган.

Бундай маросимлар қаторида исломий никоҳ (*некеден өтиў*), исм бериш (*нарестеге ат қойыў*), дафн, қурбонлик қилиш, рўза тутиш, беш маҳал намоз ўқиш каби амалиётни айтиб ўтиш зарур.

